

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ ТАЖРИБАСИ” МОДУЛИ БҮЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: проф. Р.Д.Халмухамедов**

Тошкент – 2014

## **МУНДАРИЖА**

<b>ИШЧИ ДАСТУР</b> .....	<b>3</b>
<b>ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА</b> .....	<b>8</b>
<b>ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ</b> .....	<b>9</b>
<b>МАЪРУЗАЛАР МАТНИ</b> .....	<b>22</b>
<b>ТЕСТ САВОЛЛАРИ</b> .....	<b>58</b>
<b>НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ</b> .....	<b>69</b>
<b>МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ</b> .....	<b>70</b>
<b>МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР</b> .....	<b>71</b>
<b>ГЛОССАРИЙ</b> .....	<b>73</b>
<b>ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР</b> .....	<b>78</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	<b>89</b>

## ИШЧИ ДАСТУР

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Хорижий таълим тажрибаси” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини хорижий давлатлар таълим тажрибаларини таълим жараёнига тадбиқ этиш тўғрисидаги билим ва кўникмаларини таркиб топтириш.

**“Хорижий таълим тажрибаси” модулининг вазифаси:**

- олий таълимда ўқитиши жараёнида хорижий таълим тажрибасидан фойдаланишни шакллантириш;
- педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштириш;
- профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий фаолиятини ўсишида хориж тажрибалари, замонавий таълим методлари, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлаш кўникмаларига эга бўлиши керак;
- тингловчиларнинг таълим жараёнидаги муаммоларни хорижий таълим тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиш усулларини ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

### Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Хорижий таълим тажрибаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- таълим жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда хорижий давлатлар таълим тажрибаларидан фойдалана билишлари керак;
- педагогик фаолият олиб борища хорижий давлатлар таълим мининг илғор тажрибаларини амалиётда қўллай билиш кўникмаларига эга бўлиши зарур;
- хорижий давлатлар таълим тизимиning тажрибаларидан фойдаланган ҳолда педагогик муаммоларни таҳлил этиш, баҳолаш каби малакаларни эгаллаши лозим.

### Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модулнинг мазмуни ўқув режадаги “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Электрон педагогика асослари”, “ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув услубий фаолиятнимодернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда

педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат килади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар хорижий таълим тажрибаларини таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компитетликка эга бўладилар.

### **Модули бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					<b>Мустакил таълим</b>	
		Аудиториядаги ўқув юкламаси						
		<b>Ҳаммаси</b>	<b>Жумладан</b>					
			<b>Жами</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий машгулот</b>	<b>Кўчма машгулот</b>		
1	Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари. Хорижий давлатларда таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.	2	2	2				
2	Таълимнинг ривожланишига қўмаклашувчи халқаро ташкилотлар. Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлили.	2	2	2				
	<b>Жами:</b>		<b>4</b>	<b>4</b>	<b>4</b>			

### **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАРНИНГ МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари. Хорижий давлатларда таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.**

Режа:

1.Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари.

2.Хорижий давлатларда (Япония, Германия ва Франция) таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Хорижий давлатлар таълим тизими тарихи, ривожланиш тараққиётининг босқичлари ва таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари. Таълим

тизими ва турлари. Таълим тизимида самарали ислоҳотларни амалга ошириш, таълимни ислоҳ қилиш йўллари, таълим моделлари.

Хорижий мамлакатларда таълим тизимининг стратегияси. Тараққий этган давлатларда (Япония, Германия, Франция) олий ва умумий таълимнинг замонавий мезонлари ва тамойиллари. Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси кадрларини тайёрлаш тизими.

Чет эл мамлакатларида жисмоний тарбия ва спортни бошқариш тизими ва унинг умумлашган модели. Тараққий этган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш. Хорижий мамлакатлардаги жисмоний тарбиява спорт соҳаси таълим муассасалари ҳақида тушунча. Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришни назарий ва амалий тажрибаларини ўрганиш.

## **2-мавзу. Таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар. Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлили.**

Режа:

1. Таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар.
2. Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлили.

ЮНЕСКО ва БМТнинг таълим, фан, маданият масалаларини ривожлантиришдаги ихтисослаштирилган ташкилот сифатидаги роли, ЮНЕСКО фаолияти, мазмuni.

Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг босқичлари, турлари ва ўқитиш усулларининг қиёсий таҳлили.

Япония, Франция, Германия давлатларида таълим-тизимининг ўзига хос хусусиятлари, касбга йўналтириш ва тайёрлаш масалалари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўзига хослиги.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008. – 36 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. 1997 йил 29 август.

**II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт обьектлари қурилишнинг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон республикаси қонун хужжатлар тўплами. –Т.: 2007.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451 сонли Қарори. 2006 йил 25-август.

**III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хуқукий-меъёрий хужжатлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 341 сонли Қарори. 2004 йил 20 июл.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси минтақавий олий ўқув юртларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 1995 йил, 31 май.

**IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:**

1. Каримов И.А. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

2.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятни ривожлантириш концепцияси.-Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузаси. 2010 йил 12 ноябрь.

3.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: 2011.

4.“Буюк ва муқаддассан мустақил Ватан” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқи. “Ҳуррият” газетаси. 2011 йил 1 сентябр.

5. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

**V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар:**

1. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. –Т.: Фан, 2011. - 189 б.

2. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: 2000. -161 б.

3. Қодиров Б.Ғ., Бегимқулов У.Ш., Абдуқодиров А.А. Ахборот технологиялари. Электрон дарслик. 2002. -213 б.

- 4.Хорижда таълим. -Т., 2000 .
- 5.Сравнительная педагогика. -Т., 2001 .
- 6.Хорижда таълим. Маърифат, 2001 йил 26 декабрь.
- 7.АКШда ҳуқуқий таълим тизими. Хорижда таълим. “Инсон ва қонун” журнали 2001 йил 14 август.
- 8.Швеция олий ўқув юртлари: Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 23 январь.
- 9.Германияда касб-хунар таълими. Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 13 февраль.
10. Японияда бола тарбияси. Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 13 март.
- 11.Франция буюклигининг мезонлари: Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 27 февраль.
- 12.Компьютерни билмаган педагог йўқ. Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 13 июнь.

#### **VI.Интернет сайтлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uzэлектрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
7. <http://www.uforum.uz/>

## ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари. Хорижий давлатларда таълим тизими-нинг ўзига хос хусусиятлари.	маъруза	2	ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси
2.	Таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар. Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимлари-нинг қиёсий таҳлили.	маъруза	2	ҳар ойнинг учинчи ҳафтаси

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### 1 МАЪРУЗА

**Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари. Хорижий давлатларда таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари**

### Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

<b>Вақти: 2 соат</b>	Тингловчилар сони: 15-25 нафар.
<b>Ўқув машғулотининг тури</b>	Ахборот визуал маъруза
<b>Маъруза машғулотининг режаси</b>	<p>1.Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари.</p> <p>2.Хорижий давлатлардаги(Япония, Германия ва Франция) таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.</p>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b>	ўқув модули бўйича умумий тушунча бериш. Хорижий давлатлар таълим тизими ва ривожланиши тўғрисидаги билим ва қўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш.
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш;</li> <li>- хорижий давлатлар таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишларини ёритиб бериш;</li> <li>- хорижий давлатлар таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш. (Япония, Германия ва Франция давлатлари таълим тизими мисолида)</li> </ul>
<b>Ўқитиши усуллари</b>	Маъруза, ақлий ҳужум, сұхбат, инсерт усули.
<b>Ўқитиши шаклари</b>	Оммавий, жамоа бўлиб, гурӯҳларда ишлаш.
<b>Ўқитиши воситалари</b>	Маърузалар матни, видеопроектор, тарқатма материаллар, слайдлар.
<b>Ўқитиши шартлари</b>	Намунадаги аудитория
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Савол-жавоб ва назорат саволлари.

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлар</b>	<b>Фаолиятнинг мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Тингловчилар</b>
1- Босқич мавзуга кириш. (20 дақиқа)	<p>1.1. Ўқув модулининг номи эълон қиласди. Модул ҳақида дастлабки тушунча беради.</p> <p>1.2. Мазкур модул бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қиласди. Мавзунинг номи, мақсади ва қутилаёт-ган ўқув натижалари эълон қиласди.</p> <p>1.3. Тингловчиларни фаоллаштириш учун уларни “Ақлий ҳужум”га тортади (1-илова)</p>	<p>1.1. Тинглайдилар.</p> <p>1.2. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>1.3. Саволларга жавоб берадилар.</p>
2 - Асосий босқич (50 дақиқа)	<p>2.1. Марзуа бўйича визуал материалларни намойиш қиласди. (2-илова)</p> <p>2.2. Мавзу бўйича маъруза, тарқатма материаллар тарқатилади, у асосида Инсерт жадвалини тузишни ва уларга олинган ахборотларни киритишни таклиф қиласди. (3-илова).</p> <p>2.3. Хорижий давлатлар таълим тизими асосий тушунчаларини ёзиб олишни сўрайди.</p> <p>2.4. Хорижий давлатларда (Япония, Германия ва Франция) таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари бўйича тингловчилар билан саволжавоб тарзида сухбат уюштиради.</p> <p>2.5. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хуносаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>2.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.2. Жадвални тўлдирадилар, саволлар берадилар.</p> <p>2.3. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.4. Тинглайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>2.5. Тинглайдилар, ёзадилар.</p>
3- Якуний босқич. (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзуга якун ясайди ва тингловчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради.</p> <p>3.2 Мавзу бўйича топшириқлар беради.</p>	<p>3.1. Эшитади, саволлар беради.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзиболади.</p>

1-илова

### Ақлий хужум усули

**Ақлий хужум** (брейнстроминг-ақллар түзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

1. Ҳеч қандай бирга баҳолаш ва танқидга йўл қўйилмайди!  
Таклиф этилаётган ғояни баҳолашга шошма, агарда у ҳаттоқи ажойиб ва гаройиб бўлса ҳам –хамма нарса мумкин.  
**Танқид қилма-хамма айтилган ғоялар қимматли тенг кучлидир.**  
**Ўртага чиқувчини бўлма!**  
**Туртқи беришдан ўзингни ушла!**
2. Мақсад миқдор ҳисобланади!  
Қанча кўп ғоялар айтилса, ундан ҳам яхши: янги ва қимматли ғояларни пайдо бўлиши учун кўп имкониятдир.  
**Агарда ғоялар қайтарилса, хафа бўлма ва ҳижолат чекма.**
3. Тасаввурингни «жўш уришига» рухсат бер!

### Саволлар:

1. Таълим бу-
2. Хорижий таълим тизими тўғрисида қандай тушунчаларга эгасиз?


2-илова

### Визуал материаллар


1-слайд




2-слайд




3-слайд



## Германия таълим тизими



## Францияда бошланғич таълим



**“Инсерт усули”**

**Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими хисобланиб, мустакил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

**Матнни белгилаш тизими**

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлади.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

**Инсерт жадвали**

Тушунчалар	V	+	-	?
Япония таълим тизими				
Франция таълим тизимини ўзига хос хусусиятлари				
Германия таълим тизимида таълим турлари				
Франция таълимининг ривожланиш босқичлари				

**2 МАЪРУЗА**

Таълимнинг ривожланишига қўмаклашувчи халқаро ташкилотлар. Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлили.

**Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели**

<b>Вакти: 2 соат</b>	Тингловчилар сони: 15-25 нафар
<b>Ўқув машғулотининг тури</b>	Ахборот визуал маъруза
<b>Маъруза машғулотининг режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Таълимнинг ривожланишига қўмаклашувчи халқаро ташкилотлар.</li> <li>Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлили.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> халқаро ташкилотларнинг таълимни ривожланишидаги ўрни ва роли, мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлили тўғрисидаги билимларни шакллантириш.	
<b>Педагогик вазифа:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- маъруза машғулоти режасини шарҳлаш ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини бериш;</li> <li>- таълимнинг ривожланишига қўмаклашувчи халқаро ташкилотларни мақсад ва вазифаларини баён қилиш;</li> <li>- халқаро ташкилотларни таълимни ривожлантиришдаги ролини очиб бериш;</li> <li>- мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлилини асослаб бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижаси:</b> <p>Тингловчилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- маъруза машғулоти режаси таркибини шарҳлайди, адабиётлар рўйхати билан танишадилар;</li> <li>- таълимнинг ривожланишига қўмаклашувчи халқаро ташкилотларни мақсад ва вазифаларини очиб берадилар;</li> <li>- халқаро ташкилотларни таълимни ривожлантиришдаги ролини таснифлайдилар;</li> <li>- мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлилини айтиб берадилар.</li> </ul>
<b>Ўқитиши усуллари</b>	Маъруза, ақлий ҳужум, сухбат, Б-Б-Б техникаси.
<b>Ўқитиши шакллари</b>	Оммавий, жамоа бўлиб
<b>Ўқитиши воситалари</b>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<b>Ўқитиши шартлари</b>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган аудитория.
<b>Мониторинг ва баҳолаши</b>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси.

Фаолият босқичлар	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчилар
1- Мавзуга кириш босқичи (10дақықа)	<p>1.1. Мавзуни эълон қиласи. Фан ҳақида дастлабки тушунчаларни, ҳосил қиласи.</p> <p>1.2. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган ўқув натижалари эълон қилинади.</p> <p>1.3. Тингловчиларни фаоллаштириш учун уларни “Ақлий ҳужум” гатортади (1-илова)</p>	<p>1.1. Тинглайдилар.</p> <p>1.2. Тинглайдилар.</p> <p>1.3. Саволларга жавоб берадилар.</p>
2 – Асосий босқич (60 дақықа)	<p>2.1. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>2.2. Тингловчиларга Б/Б/Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қиласи ва 3-4- устунларни тўлдиришни сўрайди (2-илова).</p> <p>2.3. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қиласи. (3- илова).</p> <p>2.4. Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлили бўйича тингловчилар билан савол-жавоб шаклида сухбат уюштиради.</p> <p>2.5. Юқорида берилган материалларга асосланиб Б/Б/Б жадвалини 5- устунини тўлдиришни таклиф қиласи.</p> <p>2.6. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хуносаларга эътибор беради, аниқлик киритади</p>	<p>2.1. Таянч тушунча муҳокама киладилар.</p> <p>2.2. Жадвални 3-4-устунларини тўлдирадилар.</p> <p>2.3. Тинглайдилар, ёзадилар, саволлар берадилар.</p> <p>2.4. Фикрларини баён қиласидилар.</p> <p>2.5. Жадвални тўлдирадилар</p> <p>2.6. Муҳокамада иш-тирок этадилар.</p>
3- Якуний босқич. (10 дақықа)	<p>3.1. Мавзуга якун ясайди ва пайдо бўлган саволларга жавоб беради, фаол иштирок этган тингловчиларни оғзаки раҳбатлантирилади.</p> <p>3.2. Машғулотни якунлайди. Топшириклар беради..</p>	<p>3.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзиб оладилар.</p>

1-илова

**Ақлий хужум усули**

**Ақлий хужум** (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

**Ақлий хужум ва масалани ечиш босқичлари**

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар тақороланаётган бўлса, маҳсус белги қўйинг.
3. Гояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурӯҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган гоялар гурӯҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

**Саволлар:**

1. Таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар.
2. Мамлакатимиз таълим тизимини хорижий давлатлар таълим тизимлари билан қиёсий таҳлил қилинг?

2-илова

**Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма.**

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдиринг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдиринг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдиринг.
4. Маъruzani тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

**Б/Б/Б жадвали** (Биламан/Билишни хохлайман/Билдим)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	ЮНЕСКО ташкилотининг таълимни ривожлантиришдаги роли.			
2.	ЮНИСЕФ ташкилотининг таълимни ривожлантиришдаги ўрни.			
3.	Япония таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.			
4.	Германия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.			
5.	Ўзбекистон ва Франция таълим тизимларини қиёслаш.			

3-илова

**Визуал материаллар****Мамлакатимиздаги таълим турлари**

1-слайд



2-слайд

ЮНЕСКО-БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти бўлиб, 1945 йил 16 ноябрда ташкил топган. Ташкилот бош қароргоҳи Парижда (Франция) жойлашган. БМТнинг ихтисослашган агентлиги сифатида ЮНЕСКО тинчликни сақлаш, қашшоқликка қарши кураш, барқарор ривожланиш ва таълим, фан, маданият, коммуникация ва информация орқали маданиятлараро мулоқатга кўмак беради. Шундай қилиб, ЮНЕСКО 193 та аъзо давлатларнинг халқаро коорпарацияси ва ЮНЕСКОнинг б та ассоциациялашган аъзоларига умумқадриятларни ва ҳар бир тамаддун, маданият қадриятларини ҳурмат қилиш асосида мулоқатлар учун шароитлар яратишга бевосита кўмаклашади.

3-слайд

## **Япония таълим тизимида коллежлар:**

**Кичик  
коллеж**

**Техник  
коллеж**

**Махсус  
коллеж**

## Хорижий давлатлардаги мажбурий таълим

9 йил

- Япония таълим тизимида

12 йил

- Германия таълим тизимида

5 йил

- Франция таълим тизимида

Япония таълимининг асосий хусусиятлари


а) болани мактабга пухта тайёрлаш;

б) ўқувчиларни нафосат, жисмоний камолотига берилаётган эътибор;

в) ўқувчи кадрларга юксак талабчанлик;

г) ёш талант соҳиблари билан олиб борилаётган изчил ишлар.

# Германия таълим тизими



## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**1-мавзу: Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари. Хорижий давлатларда таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари**

**Режа:**

**1.Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари.**

**2.Хорижий давлатларда (Япония, Германия ва Франция) таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.**

**Таянч иборалар:** таълим, мажбурий таълим, хорижий таълим, университет, институт, коллеж, мактаб, бакалавр, магистр, ҳалқ таълими.

Жаҳоннинг юксак даражада тараққий этган давлатларида таълим-тарбия ишларининг ўйлга қўйилиши, мактабларда амалга оширилганини ўрганиш орқали биз мустақил республикамиз миллий таълим тизимларини янгидан ташкил қилишда, таълим тарбияда, мактаб ишини ташкил этишда эскириб, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган фаолият шакллари ва усулларидан тезроқ ҳалос бўлиш, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга ҳам эга бўламиз. Зотан, ҳозирги замон таълимида давлат ва жамият талаби ва манфаатлари акс этиб туриши керак.

Илмий-техника тараққиёти, янги технологик революция шароитида муваффақиятли фаолият қўрсата оладиган жамият аъзоларини етиштириб бериш, ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда ўрта таълимнинг кўп варианти учинчи босқичини жорий этиш, таълим-тарбия беришда энг илгор педагогик воситаларни қўллаш, таълимда ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, унинг энг мақбул тизимларини яратиш каби чет эл тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги қунда кенг кўламдаги ислоҳотларни ўз бошидан кечираётган бизнинг таълимимиз учун бу катта аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда чет эл таълими бўйича кўпгина маколалар, брошюралар, қўлланмалар чоп этилди, унга бағишлиб семинарлар, анжуманлар, ўқувлар, учрашувлар ўтказилди.

Бу бизнинг таълим тизимларимизда, чет элда ўқув тарбия ишларининг қўйилишига этибор ва қизиқишининг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигидан далолатдир. Халқ таълими тизимларида чет эл таълимини ўрганиш билан шуғулланувчи муассасалар ҳам ташкил топмокда. Халқ таълими вазирлигидан ташқари бу масала билан Республика ўқув-методика марказида, педагогика фанлари илмий тадқиқот институти таркибида маҳсус бўйимлар фаолият кўрсатмоқда, малака ошириш марказий институтида бир қатор кафедралар иш билан шуғулланмоқдалар.

*Чет эл таълими тизимларидан бизнинг мутахассисларни воқиф килишида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, элчихоналар, АҚШнинг Тинчлик Корпуси мутахассислари, Германия халкаро ривожланиши фонди, АКСЕЛС маркази, Аденauer жамгармаси, Франция маданият маркази, Британия Кенгаши, Гёте институти, «Силм А.Ш.» фирмаси, ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФнинг ваколатхоналари ва бошқа кўплаб ташкилотлар яқиндан ёрдам бермокдалар.*

Дарҳақиқат ривожланган хорижий давлатларда таълимнинг, мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараён эканлиги, эътироф қилинган ҳақиқатдир. Шу туфайли ҳам чет мамлакатларида мактаб эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилаётган маблағ микдори йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Японларда, масалан, «мактаб муваффақкият ва фаровонлик тимсоли»гина бўлиб қолмай, «у инсонларни яхшилайди», деган фикр ишонч ва эътиқодга айланган.

Таълим тўғрисидаги ғамхўрлик таниқли сиёсатчиларнинг ҳам ҳамиша дикқат эътиборида бўлган. Шунинг учун ҳам АҚШнинг собиқ Президенти Р. Рейганни, Буюк Британия Бош вазири М.Теччерни, Франция Президенти Ф. Миттеранларни мактаб ислоҳотининг ташаббускорлари деб, бежиз

айтишмайди. Ф.Миттеран мактабни «Жамиятни ҳаракатлантирувчи куч» деб ҳисоблаган.

Ривожланган мамлакатларда педагогик тадқиқотларни амалга оширадиган кўп сонли илмий муассасалар ишлаб турибди. Германияда уларнинг сони 2 мингдан ортиқ. Франция, АҚШ, Япония таълим-тарбия назарияси муаммолари билан юзлаб давлат ва хусусий ташкилотлар, университетлар, педагогик тадқиқот марказлари шуғулланмоқдалар. Улар фаолиятини эса халқаро таълим марказлари, масалан, АҚШда халқаро таълим институти мувофиқлаштириб бормоқда. Кўпчилигининг фаолияти ўқув дастурини такомиллаштириш ва қайта қуришга қаратилган.

80 - йиллардан бошлаб Буюк Британияда ҳам АҚШдаги сингари ўрганилиши мажбурий бўлган фанлар доираси кенгайтирилди. Инглиз тили ва адабиёти, математика ва табиий фанлар ўқув сеткасининг ядросини ташкил этадиган бўлди. Қолган предметларни танлаб олиш ўқувчилар ва ота — оналар ихтиёридадир.

«Янги дунё»нинг педагогик ғоялари Франция ва Германия таълимига ҳам сезиларли таъсир этаётир.

Германия тўлиқсиз ўрта мактабларида асосий предметлар билан бир қаторда танлаб олинадиган химия, физика, чет тиллари киритилган ўқув Дастурлари ҳам амалга оширилаётир. Бу ўқув дастури тобора тулиқсиз ўрта мактаб доирасидан чиқиб, ўрта мактаблар ва гимназияларни ҳам қамраб олмоқда.

Франция бошлангич мактабларида таълим мазмуни она тили ва адабиёти ҳамда математикадан иборат асосий, тарих, географи, аҳолишунослик, табиий фанлар, меҳнат, таълими, жисмоний ва эстетик тарбия каби ёрдамчи предметларга бўлинади.

Япония мактаблари иккинчи жаҳон урушидан кейинроқ Америка таълими йўлидан борди. Лекин шунга қарамай, бу икки мамлакат ўқув дастурида бир қатор фарқлар кўзга ташланади. Японияда ўқув дастурлари жиддий мураккаблаштирилган, асосий фанлар мажмуи анча кенг, бир қатор

янги маҳсус ва факультатив курслар киритилган. Масалан, умумий таълим мактабларининг янги мусиқа таълими ўқув дастурига миллий ва жаҳон мумтоз мусиқасини ўрганиш ҳам киритилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий ривожланган давлатларда 80-йилларда табиий илмий таълим дастури таркибиға физика, химия, биология, баъзи ҳолларда астрономия, геология, минералогия, физиология» экология элементлари киритилиб, у АҚШ ва Францияда 4 йил, Буюк Британияда 6 йил, Германияда 2 йил ўқитилади. Ўқув предметларини интеграциялаш жараёнида янги-янги курслар пайдо бўла бошлади. Францияда 70-80-йилларда тўлиқсиз ўрта мактаблар ўқув дасгуридаги табиий-илмий ва гуманитар туркумига экспериментал, иқтисодий гуманитар курслар киритилади.

Ҳозирги пайтларда ривожланган мамлакатлар ўқув дастурига интеграциялаштирилган курсларни киритиш тўла амалга оширишди. Франция мактабларида уларга 6-10 фоиз, Буюк Британия мактабларида қирқ фоиз ўқув соатлари ажратилди.

Мактабларда амалга оширилаётган ислоҳотлар таълим ишини табақалаштириш муаммоларини келтириб чиқарди.

Иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатларда таълимни табақалаштириш энг долзарб масалага айланган. Ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш хорижий мамлакатларда асосан бошланғич таълим курсидан кейин амалга оширилади. Масалан, француз педагоглари таълим жараёнида синф ўқувчиларини уч табақага ажратиб ўқитишнн афзал қўрадилар.

Булар куйидагилар :

1. Гомогенлар — математика ва гуманитар йўналишда иш олиб борса бўладиган ўқувчилар.
2. Ярим гомоген — табиий туркумдаги фанларни ўзлаштира олишга мойил ўқувчилар.
3. Гегерон — барча предметларни ҳар хил савияда ўзлаштирадиган ўқувчилар ва ҳоказо. Табақалаштириш жараёниниг янги муҳим йўналиши тўлдирувчи таълимни ривожлантириш бўлиб қолмокда. Тўлдирувчи

мактаблар пайдо бўлишининг сабаби, АҚШ ва Ғарбий Европада ўзлаштиромовчи ҳамда улгурмовчи ўқувчиларнинг кўпайиб бораётганлиги, функционал саводсизлик авж олаётганлигидир.

80 - йилларда АҚШ ўқувчилариниг 50 - йилларга нисбатан рейтинг кўрсаткичи 973 дан 893 га тушди. Францияда ҳар уч лицейидан бири бу салбий ҳолатни бартараф этиш тўлдирувчи таълим зиммасига тушади. Тўлдирувчи таълим мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб ва лицейларда амалга оширилмоқда. АҚШ да бу хизматга оммавий ахборот воситалариниг имкониятлари ҳам сафарбар этилган, Миллий телекомпания маҳсус ўқув канали орқали 130 соатлик ўқув кўрсатувлари ташкил этилди. Ўқув жараёнларини табақалаштириб олиб бориш бўйича чет мамлакатларининг кўпчилиида тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Ривожланган давлатларда иқтидорли болаларга эътибор тобора ортиб бормоқда. Кейинги даврларда ўз тенгдошларига нисбатан қобилиятда бир неча баробор илгарила бетган болалар кўплаб топилмокда. Улар ўқувни жуда эрта бошлаб таълим курсларини ўзлаштириша катта шов - шувларга сабаб бўладиган даражада муваффакиятларга эришадилар. Шундай иқтидорлар мактаби Ғарбда 60 - йилларда ёқ пайдо бўлган эди. Бундай мактабларнинг ўқув дастурлари болалар қобилияти ва имкониятини тўла рўёбга чиқаришни таъминлаб бериш даражасида мураккаб тузилган.

Қобилиятли болалар билан ишлаш дастурлари АҚШда кенг қулоч ёйган. Айрим шаҳарларда олий тоифали болалар боғчалари очилган бўлиб, уларда 4-5 ёшли ўқувчилар мактаб дастурида ўқитиладилар. АҚШда «Мерит» дастури асосида ҳар йил юқори синфлар ва коллежлардан энг қобилиятли болалардан 600 мингтаси танлаб олинади. Улар ўртасида тест синовлари ўтказилиб энг қобилиятли 35 минг ўқувчи танлаб олинади ва ўқитилади. Уларга турли имтиёзлар, стипендиялар, яхши шарт - шароитга эга бўлган туаржой, энг олий даражадаги университетларга қабул ва бошқалар амалга оширилади.

Лекин иқтидорли болаларга қарама - қарши қутбда турган ақли заиф ўқувчиларнинг тақдири ҳам чет эллик ҳамкасларни тобора

ташвишлантирмоқда, бундай ҳолни келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, олдини олиш бўйича кўпгина профилактик ишлар олиб борилмоқда ва улар учун маҳсус мактаблар очилмоқда. Лекин статистик маълумотлар бундай болалар сони тобора ошиб бораётганлигини кўрсатаётир.

70 - йилларда АҚШ да келажак мактаби умуммиллий лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Бу эксперимент мазмуни ўқитувчи буйруғи билан иш тутиш, кўпроқ ўқувчиларга мустақил ишлаш имкониятини беришдан иборат. Таълим таркиби синфда ишлаш, мустақил машғулот, ўқитувчи консультациясини ўз ичига олади.

Германия мактабларида синфда ўқувчилар сонини қисқартириш сари йўл тутилган. Бундай ўқувчиларни - ҳар бирига индивидуал пакетлар (топшириқлар) тарқатилади. Тошириқларни ўқувчи мустақил бажаради, лозим бўлгандаги ўқитувчидан консультация олади.

Юқорида баён қилинганлардан кўзда тутилган мақсадлари:

- мактабларнинг инсонпарварлик, умуминсонийлик йўналишларини кучайтириш.
- ўқувчи шахсини шакллантиришнинг энг самарали йўлларини қидириб топиш.
- тарбиянинг янги формаларида - ўқувчилар кенгаши, мактаб кенгашларидан, тарбиявий ўйинлардан фойдаланиш.
- Мактаб ўқув дастурларини ихтисослаштириш, фанларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш.
- Мактабни меҳнат, инсоний фаолият билан яқинлаштириш, касбга йўналтириш ишларини кайта ташкил этиш.
- Табақалаштириб ўқитишни йўлга қўйиш, маҳсус ўқув муассасаларини (ҳам, талантлар, ҳам ақлий, жисмоний заиф ўқувчилар учун) ривожлантириш.
- Янги, яъни ўқув техник воситаларини таълимдаги салмоқни ошириш, ўқитувчилар корпусида компьютер таълимини йўлга қўйиш.
- педагогик ғояларни амалга оширишда кенг қамровли эксперимент, -тадқиқотларни амалга оширишдан иборатdir.

- чет эл таълимидағи бундай ибратли жиҳатларни Ватанимиз таълим тизимларида қўллаш ёш, мустақил Республикаизда ўқув — тарбия ишларини ислоҳ қилиш жараёнини тезлаштиради.

Япония таълимининг шаклланиши 1867—1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига икки вазифани:

1—бойиш, 2-гарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини кўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартериш кераклиги айтилади.

1872 йили «Таълим ҳақида қонун» қабул қилинди. Бунда япон таълими гарб таълими билан уйғунлаштирилади.

1908-йил Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди.

1893-йили касб йўналишидаги дастлабки колледж ташкил этилди. 1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги хукуқва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган.

Ҳозирги замон япон таълим тизимларининг таркиби қўйидагicha:

боғчалар, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига киравчи ўқув юртлари. Болалар ёш хусусиятларига қараб 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинади

Мажбурий таълим. Таълимнинг погонаси 6 ёшдан 15 ёшгacha бўлган болаларни ўз ичига олади.

6 йиллик бошланғич таълим ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб, 9 йиллик мажбурий таълимни ташкил этади ва у бепулдир.

Юқори босқич ўрта мактаб 10, 11, 12 синфларни ўз ичига олади, бундай мактабларнинг кундузги, сиртқи ва кечки бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларнинг 95% кундузги мактабларда ўқийдилар.

Японияда ўқув йили 240 кун (АҚШ 180). Ўқув йили 1 апрелдан бошланиб мартда тугайди. Ёзги каникул июнь ойининг охирида бошланиб, августда тугайди. Дарслар 7 соатдан ўтилади.

Дорилфунунларга катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни тугатган ўқувчилар қабул қилинади.

460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусий, 1-тоифадаги университетларда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар, 2-тоифали университетларда эса 20 тадан талаба тўгри келади.

Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади: 1-босқичи турар жойда ўтказилади: бунинг учун япон, эски япон тили, математика, физика, химия, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йўлланма оладилар ва яна синовдан ўтадилар. Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади.

Университетдан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Лекин ўқиш муддатини чўзиш мумкин (4 йиллик ўқиш 5-6 йилгача чўзилиб кетиши мумкин).

Коллежлар:

1-кичик коллеж;

2-техник коллеж

3-махсус коллежларга бўлинади.

Уни битирган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетнинг 3 ёки 4 курсларига қабул қилинади.

Германия – жаҳон илм-фани ва маданияти ўчоқларидан бири. Бу мамлакат илдизи асрларга бориб тақалувчи илмий мактаблари, Гёте, Гегел, Бетховен, Нитше, эйнштейн, Гумболдт сингари олим ва ижодкорлари билан тилга тушган.

Халқаро доирада эътироф этилган олмон таълим даргоҳларида мустақил фикр ҳамда кенг дунёқарааш шаклланишига алоҳида эътибор берилади. Таълим тизимиға татбиқ этилаётган янги усуллар, сўнгги ахборот технологияларидан унумли фойдаланмаганларга эса жуда қийин. Тараққиёт манзили сари ошиқаётган жамиятда билимсиз ўз ўрнига эга бўлиш амри маҳол. Дарвоқе,

олмонларга хос темир интизом, бирсўзлилик хислатлари ҳам айнан таълим даргоҳларида шаклланади.

### **Тафаккур устахонаси**

Германияда мактабгача таълим муассасалари давлат тизимиға кирмайди. Болалар боғчаси хайрия жамғармалари, маҳаллий ҳокимият ҳамда чёрков васийлигида фаолият юритади. Шу билан бирга корхона ва ташкилотлар ҳам ўз боғчасига эга бўлиши мумкин. Мактабгача таълим тизими (елементарбереич) 3 ёшдан олти ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Ҳали ақлинни таниб улгурмаган болаларда ўз фикрини ифодалаш, тенгдошлари ва катталар билан мулоқот қилиш қобилиятини шакллантириш, уларни бошланғич таълимга тайёрлашда боғчаларнинг ўрни катта. Шу боис ҳам олмонлар боғчаларни “тафаккур устахонаси” деб атashади.

### **Бепул ва мажбурий**

Германия Конституциясига мувофиқ, мактаб таълими давлат назоратида. Мамлакатда ўн олтида федерал ер мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири ўзининг таълим тўғрисидаги қонунига эга. Шу сабабли федерал ерларда мактаб таълимида айрим фарқлар бор. Масалан, аксарият худудларда бошланғич таълим 4 йил (биринчи синфдан тўртинчига қадар), пойтахт Берлинда эса – 6 йил. Аммо бу каби фарқларга қарамасдан, барча худудлар учун умумий тартиб-қоидалар амал қиласди.

Германияда мактаб таълими мажбурий ва бепул. 6 ёшдан 18 ёшгача фуқаролар мажбурий тартибда таълим олиши шарт. Мактаб таълим тизими бошланғич (примарстуфе), ўрта (секундарстуфеI) ва юқори (секундарстуфе II) босқичларга бўлинади.

### **Энг яхши баҳо –1!**

Болалар 5-6 ёшдан бошланғич мактаб (грундсчуле)га қатнайди. Бошланғич мактабда ўқиш даври тўрт йилдан олти йилгача. Мактабларда биринчи, иккинчи синф давомида ўқувчиларга баҳо қўйилмайди. Ўқитувчилар баҳо ўрнига боланинг индивидуал ривожланиш ҳолати хусусида ҳисобот тайёрлайди. Ўқувчиларга 3-синфдан баҳо қўйила бошлайди. Германияда 6

баллик баҳолаш тизими қабул қилинган. Бунга кўра, 1 – аъло (сехр гут), 2 – яхши (гут), 3 – қониқарли (бефриедигенд), 4 – етарли (аусреиченд), 5 – етарли эмас (мангелҳафт), 6 – қониқарсиз (унгенгенд). Ўқувчилар фанларни энг камида “тўрт”га ўзлаштириши керак. Бошланғич босқичда болаларга математика, немис тили, табиатшунослик, мусиқа, эстетика фанлари ўтилади.

### **Танлаш имконияти**

Олмон таълим тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, ўқувчилар бошланғични тугатгандаёқ келажак йўлини аниқлаб олиши зарур. Ана шунга асосланиб, у бир неча турдаги мактабдан бирида ўқишни давом эттиради.

Асосий мактаб (ҳауптсчуле). Бу ерда болалар тўққизинчи синфгача ўқитилади. Асосий мактабларда олий таълим муассасаларида ўқиш нияти йўқ бўлган, бирор бир касб этагидан тутишни кўзлаган ўқувчилар таълим олади. Бу турдаги мактабларда базавий билимлар берилади ва асосий эътибор амалий машғулотларга қаратилади. Асосий мактабни тугатган ўсмирлар тугалланмаган ўрта таълим ҳақида шаҳодатнома олади. Ушбу хужжат билан касб-ҳунар мактаблари (беруфссчуле ёки профессионалсчуле)га кириш мумкин. Биздаги касб-ҳунар коллежларига ўхшаб кетадиган мазкур мактабларда талаба муайян касб-ҳунар бўйича билим ва тажриба оширади.

Реал мактаб (реалсчуле). Бу турдаги мактабларда математика ва табиий фанларга мойил, келажакда олий маълумотли мутахассис бўлишни ният қилган болалар ўқийди. Ўқиш 5-синфдан 10- синфгача. Мазкур муддат мобайнида ёшларга турли фан соҳалари бўйича кенгайтирилган билим берилади. Реал мактабни тугатган ўсмирлар ўқишни гимназияда давом эттиради.

### **Имтиёзли шаҳодатнома 13 йиллик меҳнат**

Гимназия (гимнасиум). Ўқувчилар ўрта таълимнинг энг муҳим бўғини бўлган ушбу билим масканида тўққиз йил – 5-синфдан 13-синфгача таълим олади. Реал мактабнинг 10-синфини тамомлаган ёшлар эса гимназияда уч йил ўқийди. Мазкур таълим даргоҳида гуманитар, табиий фанлар ва хорижий тиллар чуқур ўргатилади. Ўқувчилар ўн биринчи синфдан танлаган

йўналишидан келиб чиқиб, асосий вақтини бир неча фанни чукур ўрганишга сарфлайди. Гимназия – олий таълимга тайёргарликнинг ҳал қилувчи босқичи. Негаки, гимназияни тугатганлик тўғрисидаги етуклик шаҳодатномаси (абитур) университетга имтиҳонсиз кириш хуқуқини беради. Аммо етуклик шаҳодатномасини олиш осон эмас. Ўқувчига ушбу ҳужжатни беришда унинг ўн уч йил давомидаги натижалари ҳамда тўртта фан бўйича якуний имтиҳон баҳолари инобатга олинади. Олмон заминида олий ўқув юртига кириш учун ўн уч йил яхши натижа билан ўқиш керак. Ана шундан кейингина университет йўллари очилади.

Таълим тизимида умумий мактаблар (гесамтсчуле) ҳам мавжуд. Унда юқорида зикр этилган мактаблар дастури ўн йил давомида уйғун ҳолда ўқитилади, яъни ўқувчилар ҳам гуманитар, ҳам техник фанлар йўналишида билим олади. Умумий мактаб битирувчилари ҳам сўнгги уч йиллик мажбурий таълимни гимназияда давом эттиради.

### **“Фикрлаяпманми, демақ, яшаяпман!”**

Германияда давлатга қарашли мактаблар билан бирга хусусий таълим масканлари ҳам фаолият юритади. Хусусий мактаблар ўрта таълим масканларининг 2 фоизини ташкил этади. Ўқув дастурлари анъанавий мактаблардан фарқ қилувчи хусусий мактабларни Федерал таълим ва маданият вазирлиги назорат қиласи. Хусусий мактаблар саноат, тил, косметика, гимнастика, уй хўжалиги каби ихтисослашган йўналишларда таълим беради. Нодавлат таълим масканлари бир-бирини қўллаб-қувватлаш учун Хусусий мактаблар уюшмаси (Бундесвербанд Деутсcher Приватсчулен)га бирлашган.

Шунингдек, ногирон ва ақлий қобилияти чекланган болалар учун маҳсус мактаблар очилган.

Олмон мактабларида хорижлик фуқаролар ҳам таълим олиши мумкин. Хорижликлар маҳаллий шарт-шароитга мослашиши, немис тилини пухта ўзлаштириши учун тайёрлов курслари ташкил этилади.

Немис педагоглари истеъдодсиз ўқувчининг ўзи йўқ, деб ҳисоблашади.

Шунга кўра улар ўқувчининг очилмаган қирраларини кашф этиш, уларни янгилик ва ихтиrolар руҳида тарбиялашга интилади. “Фикрлаяпманми, демак, яшаяпман!” дейди машҳур файласуф Рене Декарт. Олмон мактабларида ана шу нақл олтин қоида сифатида қабул қилинган. Педагоглар биринчи навбатда ўқувчининг, ҳатто хато бўлса-да, мустақил фикри бўлишига эришишни мақсад қилади. Таълим жараёни эса ота-она ва ўқитувчи ўртасидаги узвий ҳамкорликка таянади.

### **Аслзодалар орзу қилган университет**

Германияда Европанинг бошқа давлатларига қараганда бепул олий таълим олиш имконияти кўпроқ. Нодавлат жамғармалар ҳамда ҳукумат грантлари асосида хорижликлар ҳам немис университетларида таҳсил олиши мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, маҳаллий гимназияларни битириб, естуклик шаҳодатномаси олган ёшлар университетларга имтиҳонсиз киради (Лекин баъзи йўналишлар, масалан, тиббиёт бўйича кириш имтиҳонлари ўтказилиши ҳам мумкин). Чел элликлар эса ўқишга кириш учун немис тили бўйича имтиҳон (ДШ-Пруефунг)дан ўтади.

Университетларда бакалавр босқичи тўрт ярим йилгача, магистратура бир йилдан тўрт йилгача, докторантура икки йилдан беш йилгача. Одатда, бакалавриат ва магистратура талабалари ўқиш яқунида давлат имтиҳони (стаатспруфунг) топширади ва диссертатсия ҳимоя қилади. Талаба ўқиш учун қишки ёки ёзги ўқув мавсумини танлаш ҳуқуқига эга. Ёзги мавсум апрел-сентабр, қишикиси эса октябр-март ойларини ўз ичига олади.

Германия Гейделберг, Кёльн, Фрейбург, Тюбинген каби қадимий университетлар ватани ҳисобланади. 1386 йилда асос солинган Гейделберг университети кўхна қитъанинг энг нуфузли олий таълим даргоҳлари рўйхатига киритилган. Ўрта асрлардаёқ ушбу университетга кириш европалик аслзодаларнинг орзуси бўлган. Германиянинг мўъжазгина Гейделберг шаҳрида жойлашган мазкур университетнинг нуфузи ҳозир ҳам баланд. Бу ердан Гегел, Ясперс каби жаҳон таниган олимлар, ўнга яқин Нобел мукофоти

эгалари етишиб чиққан. Университет юриспруденсия, биология, кимё, тиббиёт йўналишларида кучли кадрлар тайёрлайди. Бу ерда ўқийдиган 25 минг талабанинг 12 фоизи хорижликлардир.

Мюнхендаги Людвиг-Максимилиан университети Европани тиббиёт бўйича етук мутахассислар билан таъминлайди. Беш асрлик тарихга эга бўлган таълим масканида айни пайтда 44 минг талаба таҳсил олади.

Касбий олий мактаблар ёки институтлар (фачхоччулен) олмон таълим тизимининг ўзига хос бўғини сифатида муҳандис, иқтисодчи, дизайнер, машинасозлик, ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари ва соғлиқни саклаш йўналишларида мутахассислар етказиб беради.

Ахен, Бремен, Бонн, Франкфурт, Гамбург, Кёльн, Марбург каби университетларга ҳам талабгорлар кўп. Маълумотларга кўра, Германиянинг 370дан ошиқ олий таълим муассасаларида 2 миллионга яқин талаба, жумладан, 246 минг хорижлик таҳсил олмоқда. Олмон юрти чет эллик талabalар сони бўйича дунёда АҚШ ва Буюк Британиядан кейинги ўринда туради.

Францияда болаларнинг мажбурий таълим жараёни 6-16 ёшларни ўз ичига олади. Бунга қадар француз болалар одатда 2- ёшдан 6- ёшгacha оналар мактаби деб аталадиган мактабгача тарбия муассасаларига қатнайдилар. Бошланғич таълим 6-ёшдан 11-ёшгacha бўлган болаларни ўқитишга мўлжалланган. Бошланғич синфларда ўқиш муддати 5 йил бўлиб, бу муддат ичida ўқиш асосан 3 босқичга бўлинади:

тайёрлов босқичи 1 йилга мўлжаллаган бўлиб, бунда болалар ҳисоблашга, ўқиш ва ёзишга, куйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга жисмоний машқлар бажаришга, меҳнат қилишга ўргатади:

- элементар курс 2 йилга мўлжаллаган бўлиб, бунда ўқувчилар тайёрлов циклида олган билимлари янада чуқурлаштирилади.

- чуқурлаштириш босқичида (у 2 йил давом этади) ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичда эгаллаган билимлари янада чуқурлаштирилади. Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугатиб, ўрта таълим

муассасаларига ўтадилар. Ўрта таълим эса коллеж ва лицейларда амалга оширилади.

Ўрта таълим 2 босқичда берилади. Биринчи босқич 4 йил давом этиб (11-15 ёшлар) энг кичик синф 6, ўрта синфлар 5-4, энг катта синф 3-синф бўлиб ҳисобланади. Демак, синфларни рақамлаш юқоридан пастга қараб амалга оширилади. Биринчи босқич якунланганда ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этиб, 2-синф кичик 1-синф ўрта ва якунловчи синфларга бўлинади. Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатгандаридан сўнг бакалавр унвони ва дипломи учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Бакалавр унвони учун топшириладиган имтиҳон шунчалик мураккабки, болаларнинг 1/3 кисми синовлардан ўта олмайдилар. Францияда 15 та университет мавжуд. Ҳар бир университет ўқув курслари ва таълим методларини ўзи мустақил белгилайди. Талабалар университет бошқаруvida иштирок этадилар. Яна бир эътиборга лойик жихат: 1970 йилгача француз ўғил ва қиз болалар мактабга алоҳида-алоҳида борадилар. Аммо 1970 йилдан бу анъанага чек қўйилди ва эндиликда барча болалар мактабда бирга таълим оладилар.

### **Ўзини ўзи назорат қилиш саволлари.**

1. Япония таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
2. Германия таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
3. Франция таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
4. Германия таълим тизими асосий турлари?
5. Франция таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари?

**Адабиётлар рўйхати.**

1. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. –Т.: Фан, 2011. - 189 б.
2. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: 2000. -161 б.
3. Қодиров Б.Ғ., Бегимқулов У.Ш., Абдуқодиров А.А. Ахборот технологиялари. Электрон дарслик. 2002. -213 б.
- 4.Хорижда таълим. -Т., 2000 .
- 5.Сравнительная педагогика. -Т., 2001 .
- 6.Хорижда таълим. Маърифат, 2001 йил 26 декабрь.
- 7.АКШда ҳуқуқий таълим тизими. Хорижда таълим. “Инсон ва қонун” журнали 2001 йил 14 август.
- 8.Швеция олий ўқув юртлари: Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 23 январь.
- 9.Германияда касб-хунар таълими. Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 13 февраль.
10. Японияда бола тарбияси. Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 13 март.
- 11.Франция буюклигининг мезонлари: Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 27 февраль.
- 12.Компьютерни билмаган педагог йўқ. Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 13 июнь.

**2-мавзу Таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар. Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлили.**

**Режа:**

**1. Таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар.**

**2. Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлили.**

**Таянч иборалар:** АКСЕЛС маркази, БМТ, Аденауер жамғармаси, Британия Кенгаси, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ.

Таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар.

БМТ тизимидағи маҳсус ташкилотлар фаолиятини бирлаштириб, улар эътиборини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилаган асосий йўналишларга қаратувчи вакиллик. 1993 й. 24 августда очилган. Ваколатхона мақсади бозор иқтисодиётiga ўтиш даврига хос ислоҳотларни амалга ошириш, ижтимоий, таълим, илм-фан ва маданият, инсон ҳуқулари, демократия ҳамда бошқарувни ривожлантириш, оналар ва болалар саломат-лигини яхшилаш, гиёҳвандликка қарши кураш, Орол муаммоларини ҳал этиш соҳасидаги халқаро алоқаларни йўлга қўйишда маҳсус дастурларни ишлаб чиқишида Ўзбекистон билан БМТ ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Таркиби БМТнинг қўйидаги бўлим ва дастур-ларидан ташкил топган: Тараққиёт дастури; Ахборот ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими; Гиёҳвандликка қарши кураш дастури; Қочоқлар ишлари буйича олий комиссар бошқармасининг ваколатхонаси; Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ); Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО)нинг ваколатхонаси; Жаҳон соғлиқнисақлашташкилоти; Аҳоли жамғармаси (ЮНФПА) ва б.

**ЮНЕСКО**(инг. Unesco, United Nations Educational, Scientific and Cultural Organisation),, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти— халқаро ҳукуматлараро ташкилот; БМТнинг ихтисослашган муассасаси. Давлатлар ўртасида маориф, фан, маданият ва коммуникациялар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш йули билан тинчликка ва халқаро хавфсизликка кўмаклашиш мақсадида 1946 й. тузилган. 188 мамлакат (шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси 1993 й. 26 октябрдан) аъзо (2004). ЮНЕСКО Уставига кўра, «... ирқи, жинси тили ва динидан қатъи назар, барча халқлар учун адолатга, қонунийликка, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига умумий хурматни таъминлаш мақсадида таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш орқали халқлар ҳамкорлигига» кўмаклашиш ташкилотнинг устувор вазифасидир. 400 га яқин халқаро нохукумат ташкилотлар ва жамғармалар, халқаро ва ҳудудий бирлашмалар ЮНЕСКО билан ҳамкорлик қиласиди. ЮНЕСКО бюджети аъзо-мамлакатлар бадалларидан ташкил топади.

Ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари ялпи саводсизликка қарши кураш, маориф тизими ва кадрлар тайёрлашни ривожлантириш, миллий маданиятларни ўрганиш ва тарқатиш, атроф муҳитни ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, океанография, геол., гидрология, социология, коммуникация ва б. соҳаларда глобал илмий муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилишдан иборат. Ахборот ва информатика — коммуникация масалалари унинг фаолиятида катта ўрин эгаллайди. Ташкилотга аъзо мамлакатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссиялар тузилган. ЮНЕСКО ана шу комиссияларга таяниб иш олиб боради. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси 1994 й. 29 декабрда ташкил этилган бўлиб, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган.

Бош конференция ЮНЕСКОнинг олий органи ҳисобланади. 2 йилда 1 марта унинг сессиялари ўткази-лади. Сессиялар оралиғида Ижроия кенгаши

(унга 58 давлат, жумладан, Ўзбекистон 1997 й. октябрда аъзо этиб сайланган) иш олиб боради. Ижроия кенгаши ҳар йили 2 марта йифилади. Унинг 155-сессиясининг якуний йифилиши Тошкент шаҳарда бўлиб ўтган (1998 й. 6 нояб). Ташкилот қароргоҳи Парижда, Бош директор (Кончиро, Маццура, 1999 йдан) бошчилик қилувчи Котибият ҳам шу ерда жойлашган.

Ташкилот 50 дан ортиқ ахборотнома ва 20 дан ортиқ даврий нашрлар чиқарди. Улардан энг кенг тарқалгани «ЮНЕСКО куръери» жур. (30 тилда нашр қилинади), «Келажак» (таълим соҳасидаги хафталик), «Музей», «Ижтимоий фанлар халқаро ойномаси», «Табиат ва ресурслар», «Муаллифлик ҳуқуқи бўйича ахборотнома», «Таълим бюроси халқаро ахборотномаси», «Импакт: фан ва жамият» кабилардир.

ЮНЕСКО ҳар 2 йилда бир марта жаҳонда таълим, фан, маданият ва коммуникация холати хақида маъruzalар чоп этади. ЮНЕСКО «Инсониятнинг илмий ва маданий ривожланиши тарихи» (6 жилд), «Ислом маданиятининг турли жиҳатлари» (6 жилд), «Лотин Америкаси давлатлари тарихи» (7 жилд), «Кариб хавзаси давлатлари тарихи» (6 жилд), «Африка умумий тарихи» (8 жилд) каби фундаментал китобларни чоп этмоқда. Шунингдек 6 жилдли «Марказий Осиё цивилизацияси тарихи» халқаро ҳамкорлик доирасида яратилмоқда, унда 1-навбатда мазкур минтақа давлатлари, жумладан, Ўзбекистон олимлари иштирок этмоқда.

Китобнинг дастлабки 4 жилди 1992, 1994, 1996 ва 1998 йилларда босилиб чиқди. «Ипак йўли — мулоқот йўли» жаҳон дастури ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё цивилизациялари тарихини ўрганишга бағишланган бўлиб, у БМТнинг маданий тараққиёт бўйича бутун дунё ўн йиллиги (1989—99 йиллар) тадбири доирасида ўтказилди. ЮНЕСКОнинг саъҳаракати билан бутун инсоният мул-кини ташкил этувчи буюк маданий ва табиий ёдгорликлар *Жаҳон мероси* руйхатига олинди.

ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишига бевосита ёрдам кўрсатиш мақсадида бир қатор олий ўқув юртларида ЮНЕСКО кафедралари, шунингдек ЮНЕСКО мактаблари ташкил

этган. ЮНЕСКО доирасида Абу Райхон Беруний (1973), Абу Али ибн Сино (1980) таваллудининг минг йиллик Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик (1994), Амир Темурнинг 660 йиллик (1996) тантаналари нишонланди.

ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргохида Амир Темур хафталиги ўтказилиб, «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзусида илмий конференция ва кўргазма ташкил этилди. Бу тадбирда Ўзбекистон Президента И.Каримов, Франция Президенти Ж. Ширак иштирок этди (1996 й. 20—26 апр.). Тошкент шхрининг 2000 йиллиги (1980), Хива (1997), Бухоро (1997), Термиз (2002) шаҳарларининг 2500 йиллиги, Шаҳарсабз шаҳарнинг 2700 йиллиги (2002), Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги, Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги (1998), «Алпомиши» халқ достони яратилганлигининг 1000 йиллиги (1999), Авесто китоби яратилганлигининг 2700 йиллиги (2001) нишонланди. ЮНЕСКО рахнамолигида Самарқанд шаҳарда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқий фестивали, Бойсун туманида фольклор фестивали ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов инсоний идеалларни эъзозлагани, маданий қадриятларни тиклаш ва сақлашдаги, илмий меросни ўрганишдаги хизматлари учун ЮНЕСКОнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медали билан мукофотланган (1998).

### **Мамлакатимиздаги таълим тизими.**

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қўйидагилардан иборат:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- таълим тизими ишлиши ва ривожланиши учун керакли тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий-педагогик ташкилотлар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари шунингдек улар бошқаруви остидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ягона ва яхлитdir.


Ўзбекистон Республикасида таълим қўйидаги кўринишларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.



### Таълимни бошқариш органлари

Таълим тизимининг умумий бошқарувини Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси алоҳида олий таълим муассасаси, Тошкетн Ислом Университети, шунингдек халқаро машҳур хорижий ОТМлар (МДУ, Вестминстер Университети ва ҳоказо) филиалларини бевосита бошқаради.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси компетенциясига куйидагилар тааллукли:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш;
- давлат таълим бошқарув органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини яратиш, қайта ташкил этиш ва бекор қилиш тартибларини белгилаш;
- таълим муассасалари аккредитацияси, педагогик ва илмий кадрлар аттестацияси тартибларини белгилаш;
- бошқа давлатлар таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси худудида таълим кўрсатиш ҳукуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонунчиликка мос равишда хорижий давлатларнинг таълим ҳақидаги ҳужжатларини тан олиш тартибини белгилаш ва тенг-кучли эканлигини ўрнатиш;
- давлат таълим стандартларини белгилаш;

- давлат намунасидағи таълим хужжатларини ва уларнинг берилиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасалариға қабул тартиби ва давлат грантлари миқдорини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасалари ректорларини тайинлаш;
- таълим олаётганларни бир аккредитацияланган таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ваколатлар.

Ўзбекистонда таълим тизимлари фаолияти бевосита бошқарувини икки вазирлик - Халқ Таълими Вазирлиги (ХТВ) ва Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги (ОЎМТВ) - амалга оширади.

ХТВ мактабгача, мактабдан ташқари муассасалар ва умумий таълим мактаблари фаолияти учун масъулдир. ХТВ бошқарувида ўқитувчилар малакасини ошириш 5 ОТМ ва 16 институти мавжуд. Вазирлик жойлардаги тегишли таълим муассасалари фаолиятини методологик бошқарувчи вилоят, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларига эга.

### ЎзР ХТВ тизими ташкилий структураси



ОЎМТВ республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига раҳбарлик қилувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Вазирлик тизимиға Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта маҳсус таълим, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази, идоравий мансуб олий ўкув юртлари киради.

### ЎзР ОЎМТВ тизими ташкилий структураси



Давлатимиз фуқароларининг билим олишлари Ўзбекистон Республикаси конституцияси билан кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси ёшлар тарбиясида таълим мухим аҳамият касб этади. Ватан остонодан бошланганидек, болаларимиз таълим-тарбияси оиласдан бошланади. Демак, келажак авлодимиз ҳар тарафлама етук, соғлом, билимли, ўз ватанига садоқатли бўлиб етишиши учун ҳар биримиз масъулмиз. Эътиборингизга таълим тизиминингнинг асосий бошқарув органлари, ХТВ ва ОЎМТВ тўғрисидаги, Низомларини ҳавола қиласиз. Таълим ва тарбия тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингизни форумнинг "Таълим" бўлимида билдиришингиз мумкин. Бунинг учун албатта форум рўйхатидан ўтишингиз шарт.

Ривожланган хорижий давлатлардаги таълим – тарбия ва мактаб ҳақида юқорида баён қилинган энг яхши тажрибаларни ўз таълим тизимимизда жорий қилиш Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин бошланди.

Бу соҳда бизга ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби Халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг Ўзбекисондаги элчихоналари амалий ёрдам бермоқдалар. Республикамиздаги таълим муассасалари таълимни

такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг барча шаклларидан фойдаланаётирлар.

Республикамиз Олий мажлисининг 1 - чакириқ IX-сесиясида - таълимга оид икки муҳим хужжат — «Таълим тўғрисида»ги Қонун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши м мамлакат таълимини жаҳон андозаларига, ривожланган хорижий давлатлардаги таълим-тарбия ва мактаб савиясига олиб чиқиша улкан воқеа бўлди.

Бизнинг мактабимиз жаҳонда энг илғор мактаблар бўлиб қолишига Республика раҳбарияти ва ҳукумати томонидан ҳамма шарт шароит яратилмоқда. Бизнинг таълим тизимларимиз ҳам жаҳонда эътироф этилган таълим тизимларидан биридир. Шу туфайли ҳам АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатлар таълимининг усталари билан ўтказилган учрашувлар ва мулокотларда республикамиз таълими тизимига юкори баҳо берилди. Шуни таъкидлаш лозимки, Республикамиз халқ таълими ходимлари олдида ҳозирги кунда энг муҳим вазифа - мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги таълим тизимларини истиқлол руҳи билан такомиллаштириш, уни ўзимизнинг мумтоз педагогика анъаналари билан бойитиш, чет эл педагогикасидаги илғор жиҳатларни ўзлаштириш, янги - янги самарали ўқув предметларини таълим таркибига киритиш билан жаҳон давлат стандартлари даражасига олиб чиқишидир. Бунинг учун эса бизнинг иқтисодий ривожланган хорижий давлатлардаги қўйидаги илғор тажрибаларни таълим тизимимизда қўллай билишимиз мақсадга мувофиқдир. Чунончи:

Агар биз АҚШ педагогикасидаги:

- а) болани ўз кучи имкониятига ишонч руҳида тарбиялаш;
- б) ўқувчининг энг кичик шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш учун кураш;
- в) болани камситмаслик, инсоний қадриятларни ва ғурурини ерга урмаслик;
- г) ўқувчининг илк давриданоқ касб-корга йўналтириш;

д) Ватанига фаҳр ва ифтихор руҳида тарбиялаш ва ҳ.к

**Япония таълимидағи:**

- а) болани мактабга пухта тайёрлаш;
- б) кичкінтолар таълим ва тарбиясига ота-оналар масъулиятыни кучайтириш;
- в) ўқувчиларни нафосат, жисмоний камолатига берилаётган эътибор;
- г) ўқитувчи кадрларга юксак талабчанлик;
- д) ёш талант соҳиблари билан олиб борилаётган изчил ишлар.

**Германия таълимидағи:**

- а) табақалаштириб ўқитишга берилаётган жиддий эътибор;
- б) ўқувчиларнинг меҳнат, таълимини мустаҳкамлаш;
- в) касбга йўналтириш.

**Франция таълимидағи:**

- а) мактабгача тарбияданоқ ўқувни предметлаштириб ташкил этиш;
- б) бошланғич таълимни уч боскичда пухта амалга ошириш;
- в) ўқувни дидактик воситалар билан таъминлашга берилаёттан катта эътибор;
- г) ўқув муассасаларининг турли фирмалар, концернлар, корхоналар мустаҳкам алоқалари ва бошқа ибратли жиҳатлар бизнинг таълимга ҳам кўчса, бизнинг педагогакамиз олга қараб дадил қадам босган бўлар эди.

Албатта, таълимга ҳар қандай янгилик, ўзгартириш жиддий таҳлиллар, тажрибалар асосида кириб келади. «Зўрлаб тиқишириш» бизнинг услубиёт эмас. Айни пайтда таълимни бир савияда қотиб колишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам, ҳар бир педагог, ҳар бир тадқшотчи маорифимиз учун жон куйдирадиган, элим деб, юртим деб куйиб ёнадиган бўлмаса, «ўз шахсий манфаатларим учун давлат менга нима берди эмас, балки мей давлат равнақи учун нима қилдим» деган мулоҳазалар юритадиган иқтидорли кадрларни тайёрлашимиз керак.

Анбар отин (1870-1915) ўзбек шоираси ва маърифатпарвари, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. У 1870 йил Қўқонда фармонқул деган илфор киши оиласида туғилган. Маълумотни Дилшод отин (Барно)дан олади. У

мактабда тарих, адабиётни ўрганади, шеърлар ёзади. Сўнг ўзи хам дарслар беради. У қизларга одоб қоидалари, шеър тузилиши, юксак ахлоқий малакалар ҳосил килиш қоидаларини ўргатади. Унинг бутун ҳаёти шеърият билан боғлиқ. Уларда маърифий ғоялар илгари сурилади. Анбар отин маърифатгина шахс эркинлигини шакллантиришини билади. Унинг Фурқатга ёзган шеърий мактубида янги усул мактабларини очиш ҳақидаги таклифлари баён этилган. Анбар отин девон хам тузган. Анбар отиннинг дунёқарашини, фалсафий тафаккурини ўзида мужассамлаштирган асари - «Қаролар фалсафаси»дир. Асар кириш ва 4 қисмдан иборат. Ҳар бир фаслда шоира ўзининг ижтимоий-қарашларини баён қиласи, аёллар тақдири ҳақида ёзади.

Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919) ёзувчи, журналист, жамоат арбоби, маърифатпарвар. У мактабни битиргач, мадрасада ўқийди. Лекин битирмасдан меҳнат фаолиятини бошлайди. Арабистон, Миср, Туркия, Россияга саёхат киласи. 1903-1904 йиллари ўзбек ва тожик тилларида «Мунтахаби жўғрофия» («Қисқача умумий география») асарини, янги усул мактаблари учун «Китоб ул-атфол» («Болалар учун китоб»), «Муҳтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), «Амалиёти ислом», «Аҳоли жўғрофиясига кириш», «Россиянинг қисқача географияси»ни ёзади. Шакурийнинг қишлоғидаги янги усул мактабини 1908 йил Самарқандга ўз ҳовлисига кўчириб келади. «Бехбудий нашриёти»ни ташкил этиб, дарсликлар, «Туркистон, Бухоро, Хива ҳаритаси»ни босиб чиқаради. «Самарқанд» газетаси, «Ойина» журналини нашр этади. У халқни илм — маърифатни эгаллашга чақиради, аёлларнинг илм олиш кераклигини илгари суради, янги усул мактабини очиш дунёвий фанларни ўқитишинтарғибқиласи. Бехбудий 1918 йил «Мусулмон ишчи ва деҳқон шўроси»нинг маориф комиссари қилиб тайинланади. Шундан сўнг ўқув режалари тузиш, янги дарсликлар яратиш, ўқитувчилар курсларини очиш ишларига катнашади, ўзи «Янги хисоб» дарслигини тузиб нашр этади.

1918 йил Тошкентга келиб, Туркистонда давлат тили ҳақидаги Декрет, миллий ишлар халқ комиссарлигининг Низоми лойихҳаларини тайёрловчи

комиссиялар ишида қатнашади. 1919 йил Бухоро амири амалдорлари томонидан Шаҳарсабзда қамоққа олиниб қарши шаҳрида қатл килинади.

**Швеция таълим тизими:** Швецияда 6 та университет мавжуд. Швеция олий ўкув юртлари азалдан ўзининг юқори сифатли билим даргохлари эканлиги билан машхур. Уларда таълим бепул амалга оширилади. Бугунги кунда Швеция олий ўкув юртлари хорижлик талабаларга очиқ эканлиги билан жуда машхур.

Қабул бир йилда 2 марта бўлади. 5 ойлик мустақил курслар учун қузги семестрга жорий йилнинг 15 апрели, баҳорги семестри 15 октябрга қадар хужжат топширилади. У ўрта мактабни, қисқа муддатли курслар, бакалаврикни тутатганлиги ҳамда маълумотнома ёки диплом нусхаси абитуриентдан талаб қилинадиган асосий хужжатлардир. Унга эса ўз мамлакатининг бирор педагоги берган тавсиянома ҳам қўшиб топширилади. Уни қизиктирган факультет электрон почтага уланганлиги сабабли абитуриентдан бу хақидаги реферат ҳам инглиз тилида талаб қилинади. Умуман, ҳарқандай мамлакат талабаси бу ерда таълим олишдан аввал ҳеч бўлмаганда бир йил ўз юртида тахсил олгани маъқул.

Мактабни тамомлаб, бирдан Швецияга келиб қолган чет эл фуқароси анча қийналиб қолади. Швеция Университетларига ариза йўллаган талаба таълимни текин олсада, у тураг жой масаласини ўзи ҳал қиласди. Талаба 750\$ стипендия олади. Шунииг 3/1 кисмини тураг жойга тақсимлайди. Стокгольм ва Едборг шаҳарларида бошпана топиш катта баҳт ҳисобланади. Талабалар 10-5 киши фойдаланишга мўлжалланган ётоқхоналарга ҳам жойлашиши мумкин. Швецияда билим олишни ҳохловчиларга келиши билан кредит карточкаси берилади.

**Испанияда таълимнинг ташкил этилиши:** Замонавий таълим 1964 йилда қабул қилинган қонун асосида тартибга солинган. 1996-2000 йилларда ислоҳатлар амалга оширилган.

Мажбурий таълим 16 ёшгача

Испания ҳалқ таълим тизими қуйидагича:

1.Болалар таълими 0-6 ёшгача(2 даврга бўлинади 3 ёшгача ва 3 ёшдан-6 ёшгача мажбурий эмас)

2.Бошланғич таълим 6-12 ёшгача (3 даврга бўлинади, ҳар бири 2 курсдан иборат);

3. Ўрта таълим 2 даврга бўлинади: 12-14 ёш 1-курс, 14-16 ёш – 2-курс 14 ёшгача болалар учун мажбурий таълим бепул

**Испания касбий таълими**

Мамлакатда 4 босқичдан иборат касбий таълим тизими мавжуд:

1-босқич мактабнинг юқори синфига тўғри келади (16-18 ёш)мактабдан фарқли колледжларда барча фанлар тўла ҳажмда ўқитилмайди, ихтинослик бўйича зарур деб топилган предметлар ўқитилади;

2-босқич 18 ёшдан бошланади. Коллеж ёки ўрта мактабни тугалланган бўлиши керак:

1-йили танлаган ихтиослиги бўйича 4 та фан ўқитилади йил охирида улардан биридан имтиҳон топширилади;

2-йили 3 та фан ўқитилади ва ҳар биридан синов қўйилади. Ушбу 4 имтиҳон натижаларига кўра ихтиослик бўйича ишлаш имконини берувчи диплом олинади. Лекин бу хужжат олган мутахассис бошқарувчи бўла олмайди. Битирув имтиҳонлари натижалари университетга киришда инобатга олинади.

3-босқичда ўқиши 1 йил.

Бу босқич 1-бўгин раҳбари бўлишни истаганлар учун мўлжалланган шунингдек малака ошироқчи ёки турдош соҳа бўйича касбини ўзгартироқчи бўлган кишилар ҳай бу босқичда таълим олиши талаб этилади.

4-босвичда бакалаврлик дипломи берилади ўрта бўғинда раҳбарлик ловозимини эгаллаш ва кичик фирмани бошқариш хуқуқини беради

**Испания олий таълим тизими**

Ўқув йили октябрдан июнгача давом этади.

1999 йил 19 июньда Италияning Болонья шаҳрида Европа мамлакатлари таълим вазирининг учрашуви бўлган ва унда 2010 йилдан бошлаб Европа

таълим худуди яратишга қарор қабул қилинган. Иштирокчи мамлакатлар ягона таълим тизимиға (ўкув дастурлари ва кредитларга қўйилган талаблар, ягона таълим даражалари)эга бўлишади.40дан ортиқ мамлакат ушбу келишувни имзолаган.

Испания олий таълим тизимида ўқиши Зта кетма-кет даврларни ўз ичига олади:

1-давр бакалаврлик босқичи 4 йиллик таълимни ўз ичига олади битирган талабага бакалавр даражаси берилади

2-давр “магистрлик” босқичига тенг, битирувчига “Master”даражаси берилади

3-давр аспирантура билан қиёслаш мумкин Испания олий таълим тизимида тадқиқотчи “Doctor”даражасини олади

#### **Испания таълим тизими**

Замонавий таълим 1964 йилда қабул қилинган қонун асосида тартибга солинган.1996-2000 йилларда ислоҳатлар амалга оширилган.

#### **Мажбурий таълим 16 ёшгача**

#### **Испания ҳалқ таълим тизими қўйидагича:**

1.Болалар таълими 0-6 ёшгача(2 даврга бўлинади 3 ёшгача ва 3 ёшдан-6 ёшгача мажбурий эмас)

2.Бошланғич таълим 6-12 ёшгача (3 даврга бўлинади, ҳар бири 2 курсдан иборат);

3. Ўрта таълим 2 даврга бўлинади: 12-14 ёш 1-курс, 14-16 ёш – 2-курс.14 ёшгача болалар учун мажбурий таълим бепул

#### **Жанубий Кореяда ўқувчиларни касбга тайёрлашда таълим тарбия жараёнини ташкил этишнинг ўзига хосликлари.**

Таълим ҳақидаги Қонун 1948 йилда қабул қилинган. Таълим тизимиға асос қилиб анъанавий ғарб модели олинган:

6 йил — қуий мактаб,

3 йил — ўрта,

3 йил — олий мактаб;

4 йиллик коллеж ва бакалавр унвони берилади;

2 йил чуқур ўрганилгандан сўнг магистр унвонини олиш мумкин. Фан доктори бўлиш учун яна 3 йил вақт сарфлаш лозим.

Мамлакатда олий ўкув юртларининг ишлари яхши йўлга қўйилган.

Кореяда 104 та олий ўкув юрти бор, уларнинг 80 фоизи хусусийдир.

Ҳар йили мактабларни битирувчиларнинг 40 фоизи ўқишга киради. Талабалар сони бўйича Корея дунёда биринчи ўринда туради.

мактабгача таълим муассасалари ишида муаммолар бор. Талаб эҳтиёжни қондира олмаяпти. Шунинг учун 1982 йилда мактабгача тарбияҳақида қонун қабул қилинди. Бу ерда тарбияга болалар боғчасида асос солинишини яхши тушунишади. Шу туфайли бу тармоқ кейинги йилларда 60 фоизга кенгайди. Бунда диний ташкилотларнинг ҳиссаси каттадир.

Бошланғич мактаб масаласига келганда (бу мактабга олти ёшлилар келишади) синфларнинг тифизлигини кузатиш мумкин. Ҳар синфда 50 нафаргача бола ўқиди. Дарс юкламалариҳам кўпроқ.

Ўйинлар дам олиш ўкув дастурига киритилган. Шунинг учун дам олишга имконият бор.

Бошланғич мактабда дарс 40 минут давом этади. Ўрта мактабда эса дарслар 45 минут.

Олий мактабда дарснинг давомийлиги 50 минут

Бошланғич мактабда 9 та фан ўқитилади. Корейс тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бундан ташқари арифметика, айрим ижтимоий фанлар ҳам ўқитилади.

Ўрта мактабда фанлар яна 4 тага кўпайтирилган. 7-синфдан бошлаб чет тиллар ўргатилади. Мамлакатда инглиз тилига эътибор кучли. Кўпчилик бу тилда бемалол гаплаша олади.

Корейслар яна бир тилни — классик хитой тилини мажбурий равища ўрганадилар. 8-синфдан бошлаб Хитой тарихи ўрганилади. Ҳунар мактаблари Кореяда 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45 фоизи бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23 фоизида техник касб эгалари етишиб чиқади.

Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисослари ўзлаштирилади.

Ҳунар мактабларга корхоналар оталиққиладилар. Таълимҳақидаги қонун талабларидан бири шудир.

Кореяда ҳам алоҳида иқтидорли болаларга эътибор кучли. Сўнгги йилларда 5 та спорт, 6 та илмий мактаб очилган. Жисмоний тарбиянинг ривожланишига Сеул олимпиадаси катта таъсир кўрсатган.

Давлат мактабларида дин ўқитилмайди. Лекин 3-синфдан бошлаб «Одобрнома» каби маҳсус фан жорий этилади. Бу фан 12-синфгача ўқитилиб, ҳафтасига 2 соат вақт ажратилган.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилади.

Кореядаги барча талабаларнинг 6,5 фоизи бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар коллежлари мавжуд. Ҳар бир провинция ўз коллежига эга.

Бошланғич синфлар ўқитувчиси бўлиш учун 2 йил ўқиш керак. Фан ўқитувчиси бирмунча кўпроқўқийди.

Жанубий Кореяда таълимнинг узига хослиги.

Солиқлар тизимида таълимий солиқ жорий қилинган: ишлаб чиқарувчилар фойданинг маълум фоизини маорифга юборадилар.

Давлат бюджетининг 24 фоизи таълимга сарфланади.

Мамлакат президенти (у халқ таълими Давлат кенгашини бошқаради) шахсан провинциялар таълим бошқармалари (биздаги халқ таълими бошқармалари каби) бошлиқларини тайинлайди. Бу ҳам ушбу мамлакатда маорифга қанчалар зўр аҳамият берилишини кўрсатиб турибди.

## **2.Хитой таълим тизими**

Хитойда болалар бошланғич мактабга 6-7ёшдан бориб, бу ерда 5-6 йил таълим оладилар, мамлакат болаларининг (бошланғич мактаб ёшидаги) 95% бошланғич мактабларга борадилар. Бошланғич синфларда болаларга Хитой тили, география, тарих, математика, музика, табиатшунослик тасвирий санъат

жисмоний тарбия васиёсий таълим ўргатилади.

Бошланғич мактабни тамомлагач, болалар ўрта мактабга боришлари мумкин. Куйи ўрта мактабда таълим 3 йил, юқори ўрта мактабда эса 2 ёки 3 йил давом этади. Ўрта мактабда бошланғич синфлардаги кўпчилик фанлар яъни биология, ҳимя, физика, хуқуқшунослик инглиз ва бошқа хорижий тиллар ўқитилади. Профессионал ва техник ўрта мактабларда эса қишлоқ хўжалиги асослари, индустрисал технология ва бошқа ихтисосликка оид фанлар ўқитилади. Хитойлик болаларнинг 2/3 қисми ўрта мактабда таълим ола бошлайди, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ўқишини якунига етказмайди.

Олий ўқув юртларига кириш учун ёшлар маҳсус имтиҳонлардан ўтишлари керак. Имтиҳонлардан ўтган ёшлар талабалар қаторига қабул қилинади. Университетларда ўқитиладиган асосий фанлар: иқтисод, хорижий тиллар, математика, тиббий ва гуманитар фанлар имтиҳонлардан ўтган ёшларнинг бир қисми техник коллежларда қабул қилинади. Ҳар бир коллеж ўз ихтисослигига эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, тиббиёт, тоғ-кон ёки ўқитувчилик йўналишларда мутахассис тайёрлайди. Кўпчилик мактаблар тегишли соҳа вазирлиги (масалан, тиббиёт йўналишидаги техник коллежлар тиббиёт вазирлиги) томонидан бошқарилади.

Хитойда жами 1000 га яқин олий таълим муассасалари мавжуд. (университет ва коллежлар). Улардан 1, 700 000 (1 миллион 700 минг) талаба таҳсил олмоқда. Олий таълим олишни истаган ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Аммо факультетлар ва имкониятлар етишмаслиги боис ёшларнинг оз қисмигина олий таълим жараёнига жалб этилмоқда.

Кириш имтиҳонларидан ўта олмаган ёшлар «ишли университетлар» деб аталмиш қисқа муддатли курсларда таълим олишлари мумкин. Ўрта мактабни ташлаб кетган ёшлар эркин вақт ўргатиладиган маҳсус мактабларда ёки телевизион курслар орқали таълим олишни давом эттиришлари мумкин

Ўзбекистон таълим тизимининг хорижий таълим тизимларига ўхшаш томонлари ва фарқлари.

- Ф. - Фикрингиз баён қилинг

- С. - Сабабини асосланг
- М. - Мисол келтиринг
- У. - Фикрингизни умумлаштиринг

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари**

1. Япония таълим тизимининг ўзига хосликлари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

2. Жанубий Кореяда ўқувчиларни касбга тайёрлашда таълим тарбия жараёнини ташкил этишининг ўзига хосликлари ҳақида қандай маълумотга эгасиз?

3. Хитой таълим тизими ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. –Т.: Фан, 2011. - 189 б.
2. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиши самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: 2000. -161 б.
3. Қодиров Б.Ғ., Бегимқулов У.Ш., Абдуқодиров А.А. Ахборот технологиялари. Электрон дарслик. 2002. -213 б.
- 4.Хорижда таълим. -Т., 2000 .
- 5.Сравнительная педагогика. -Т., 2001 .
- 6.Хорижда таълим. Маърифат, 2001 йил 26 декабрь.
- 7.АКШда ҳуқуқий таълим тизими. Хорижда таълим. “Инсон ва қонун” журнали 2001 йил 14 август.
- 8.Швеция олий ўқув юртлари: Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 23 январь.
- 9.Германияда касб-хунар таълими. Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 13 февраль.
10. Японияда бола тарбияси. Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 13 март.
- 11.Франция буюклигининг мезонлари: Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 27 февраль.
- 12.Компьютерни билмаган педагог йўқ. Хорижда таълим. “Маърифат” газетаси, 2002 йил 13 июнь.

## **ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ**

### **Лотин Америкаси мамлакатларида таълим муаммоларининг умумий масалалари.**

Лотин Америкаси - 33 та мустақил давлат на 13 та турли сиёсий бирликларни ўз ичига олган минтақадир.

1990 йилдан буён Лотин Америкаси мамлакатлари таълим тизимлари ривожланиб бормоқда. Аввалларига нисбатан бошланғич ўрта мактабларда ҳамда коллежларда таълим олувчилик сони анча ортган. Кўпчилик давлатларда саводхонлик даражаси анча ўзгагарган. Аржентина, Чили, Куба ва Уругвай давлатларида саводхонлик даражаси 60 % дан ортиқ. Кўпчилик ҳукуматлар саводсиз катталарни ўқитиш бўйича маҳсус дастурлар қабул қилишган. Деярли барча Лотин Америкаси давлатларида болаларнинг бошланғич таълим олишлари мажбурийдир. Бироқ кўп жойларда, айниқса қишлоқ жойларда, шаҳарларнинг камбағал кварталларида мактаблар, ўқув материаллари ва малакали ўқитувчилар етишмагани боис ушбу талаб ҳар доим ҳам бажарилавермайди. Кўпчилик ўқувчилар мактабда таълим олишни бошлагач, кўпўтмай ўз оиласига рўзгор тебратишга ёрдам бериш учун ўқишини ташлаб кетмоқдалар

#### **Бразилия таълим тизими**

